ЯШАСИН МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛЪАСИ—СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 84 (11.833)

Сешанба; 11 апрель, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТЛИГИМИЗ: БЎРОНДАН КУЧЛИ, ПЎЛАТДАН МУСТАҲКАМ, ОКЕАНДАН ҚУДРАТЛИ!

ИЛҲОМБАХШ ЧАҚИРИҚЛАР

Кўкда баҳор, қалбларда баҳор, бутун табиатда баҳор. Ана шу сершавқ, серфайз дамларда шонли партиямиз Марказий Комитетининг баҳор байрами — 1 Май Чақириқлари жаҳон бўйлаб жаранглаб эшитилди.

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни бўлган 1 Май Чақириқлари коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган совет кишиларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди ва уларни янгидан-янги ижодий ишларга, яратувчилик ишларига сафарбар этди. бутун дунёда пролетар интернационализми байроғини янада баланд кўтарди, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашни янги босқичга кўтарди.

Жаҳон социализм системаси озод ва суверен халқларнинг қудратли таянчи бўлиб қолмоқда. Социализмнинг ғолибона байроғи остида миллионларча кишилар ўз бахт-саодатини, ўз озодлиги ва эркини топди, улар янги, ажойиб ҳаёт қурмоқдалар. Эндиликда жаҳон социалистик системаси кишилик жамияти тараққиётининг асосий ҳал қилувчи факторига айланмоқда.

— Яшасин озод ва суверен халқларнинг қудратли ҳамкорлиги — жаҳон социализм системаси!

Тинчлик ва дўстликнинг мустаҳкам таянчи бўлган жаҳон социалистик системаси намунаси капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларни, мустамлака халқларини янги ҳаёт ва озодлик учун курашга илҳомлантирмоқда. Марксизм-ленинизм тантана қилаётган асримизда империализмга қарши кураш, миллий озодлик ҳаракати тобора кучаймоқда ва бу кучлар жаҳон коммунистик ҳаракати атрофига уюшмоқда.

— Яшасин ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — барча қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг бузилмас бирлиги ва жипслиги!

Турли системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенг ривожлантириш, инсониятни янги жаҳон урушидан сақлаш, ўзгаларнинг ишларига аралашмаслик — Совет Иттифоқининг ленинча тинчликпарвар ташқи сиёсатидир. Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва мамлакатимиз халқлари жаҳон меҳнаткашлари ва прогрессив инсоният қўллаб-қувватлаётган ана шу ҳаётий сиёсатни қаттиқ туриб изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Биз урушга қаршимиз, атом ва водород қуролларининг синалишини тўхтатишни, халқаро кескинликнинг юмшатилишини, барча колониал мамлакатлар ва халқларга тезда озодлик берилишини талаб қиламиз. Бу мақсад ва қатъий қарор 1 Май Чақириқларида ўз ифодасини топган.

— Жаҳон халқлари! «Совуқ уруш»нинг тугатилишига ва халқаро кескинликнинг юмшатилишига эришингиз! Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш ва бу қуролни тақиқлаш учун курашингиз!

Янги ҳаёт қураётган, порлоқ келажак — коммунизм тантанаси учун курашаётган совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида оламшумул-тарихий ғалабаларни қўлга киритмоқда. Совет Иттифоқи атрофига уюшган кўп миллионли ва кўпмиллатли қон-қардош, дўст ва биродар республикалар ленинча миллий сиёсат ва партиямиз Марказий Комитетининг доно йўлбошчилигида ҳар тарафлама ривожланган қудратли республикаларга айландилар. Барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида ғоят катта ғалабаларга эришди.

Республикамиз меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари ва содиқ ленинчи Н. С. Хрушчевнинг Пленумда ҳамда зонал кенгашларда сўзлаган ёрқин нутқларидан илҳомланиб, қишлоқ хўжалигини, унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш, бу йил мамлакатга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар йилгидан ҳам кўпайтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган республикамиз меҳнаткашлари баҳор байрами арафасида янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Илғор саноат корхоналари ойлик ва квартал планларини муддатидан илгари бажардилар. Пешқадам колхозлар ва совхозлар чигит экишни кундан-кун кучайтириб, мўл ҳосил тараддудини кўрмоқдалар. Коммунистчасига ишлаётган, меҳнатда намуна кўрсатаётган машъалларимиз — илғор бригадалар ва колхозларнинг чигит экишни тамомлаганликлари ҳақида қувончли хабарлар келмоқда. Ҳозир саноат корхоналарида, пахта далаларида партия XXII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси — коммунистик меҳнат кенг қулоч ёймоқда.

— Коммунизм қурувчиларининг биринчи сафларида бораётган коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар бўлсин! Энг яхшиларнинг тажрибасини ҳамма меҳнаткашлар орасига ёйайлик!

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари совет халқлари олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифаларини ёрқин кўрсатиб берди. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг вазифаси барча резервларни ишга солиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш, илғор тажрибаларни, коммунистик меҳнат намуналарини ҳар тарафлама оммалаштириш ва бутун кучни етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришдан иборатдир.

Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса унинг фаровон яшаши учун! — Бу Коммунистик партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Бу ғоя ва қонун январь Пленуми қарорларида, қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашларида ўз ифодасини топди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг вазифаси деҳқончилик маданиятини ошириш, мамлакатга кўпроқ ғалла, гўшт, сут, тухум, жун, пахта, картошка, сабзавот, мева-чева ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришдан иборатдир.

— Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини янада оғишмай юксалтириш коммунизм қуришнинг энг муҳим шартидир. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажариш учун курашингиз!

Шонли партиямиз фан ва маданиятни, санъат ва адабиётни, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ленинча партиямиз Марказий Комитети ўзининг 1 Май Чақириқларида мамлакатимиздаги барча касб эгаларига, барча халқларга мурожаат қилиб, уларни янги зафарларга чақиради. 1 Май Чақириқлари — кўпмиллатли социалистик давлатимизнинг куч-қудрат ва равнақ манбаи бўлган ССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги ва биродарлигининг, совет тузумининг мустаҳкам ва бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар буюк иттифоқининг — Коммунистик партия олға сураётган ҳаётбахш ғояларнинг ифодасидир.

Совет халқи ўзининг жонажон Коммунистик партияси атрофида яна ҳам маҳкам жипслашиб, коммунистик қурилиш вазифаларини шараф билан бажаради.

— Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! — совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги улуғ илҳомбахш ва ташкилотчи кучи!

— Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

— Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!



Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгаши тўртинчи сессиясининг раисига

Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи конференциясининг олти йиллиги кунида Бандунгга тўпланган Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгаши сессиясининг қатнашчиларини чин кўнглимдан табриклайман. Тарихий Бандунг конференциясини илҳомлантирган юксак ва олижаноб идеаллар — мустамлакачиликнинг барча формалари ва кўринишларини батамом ва дарҳол тугатиш, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқлар ва мамлакатларнинг социал тузуми ва идеологик қарашлари қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлиги идеаллари эндиликда юз миллионларча кишиларнинг идеаллари бўлиб қолди. Ана шу идеалларни амалга ошириш учун кураш—Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги қудратли ҳаракатининг асосий мақсадидир.

Империалистик кучлар инсониятнинг озодлик, тинчлик, миллий мустақиллик ва равнақ топиш йўлидаги ҳаракатига халақит бермоқ учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Ёш мустақил Конго Республикасига қарши қилинган агрессия, Жазоирдаги мустамлакачилик уруши, Ангола, Мозамбик, Кения, Уммон халқларидан қонли ўч олинаётганлиги—буларнинг ҳаммаси империалистик кучларнинг ишидир. Улар давлат бетарафлиги ва чинакам миллий мустақиллик учун курашаётган Лаос халқига қарши уруш очдилар. Ғарбий Ириан, Гоа халқларининг она-Ватан билан қўшилишига халақит бермоқдалар.

Аммо тарих зулм ва халқлар қашшоқлиги устидан ўз ҳукмини чиқариб қўйди. Халқлар ўртасида тинчлик, барча оддий кишиларнинг озодлиги ва бахтли ғоялари сўнмас алангадир. Бу алангани разил туҳматлар билан тўхтатиб бўлмайди, мазлум халқларнинг дарё-дарё қилиб оқизиладиган қони билан уни ўчириб бўлмайди, солдат этиги билан оёқости қилиб бўлмайди. Ана шу буюк ғоялар эндиликда денгиз ва океанларнинг нариги томонига ўтиб, ер юзидаги барча қитъаларда мустаҳкам қарор топди.

Ҳали оғир кураш олиб боришга тўғри келади, чунки реакция кучлари ҳали тор-мор қилинган эмас. Бирдамлик ва бирлик—бутун прогрессив инсониятнинг асосий қуролидир. Бу бирдамлик ва бирлик нечоғли юқори ва мустаҳкам бўлса, ғалаба ҳам шу қадар яқин бўлади.

Ҳеч шубҳа йўққи, сизнинг сессиянгиз ҳар иккала қитъадаги эрксевар ва тинчликсевар халқларнинг бирлик фронтини мустаҳкамлаш ишига янги катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Совет Иттифоқи адолатли кураш олиб бораётган Осиё ва Африка халқларининг содиқ дўсти, мустаҳкам таянчи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бунга амин бўлишингиз мумкин.

Н. ХРУШЧЕВ.

СССР Министрлар Совети Раиси

1961 йил 9 апрель.

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙ ВА БУЗИЛМАСДИР

КПСС Марказий Комитети Биринчи Май чақириқларининг совет халқлари қудратли дўстлигини шарафлайдиган сўзлари ёзилган қизил байроқлар мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида мағрур ҳилпирамоқда. Халқларнинг бузилмас қардошлиги совет кишиларига меҳнатда қувонч ва илҳом бағишлайди. Бу дўстликнинг ҳаётбахш кучи совет кишиларининг жонажон Коммунистик партия XXII съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги яратувчилик ишларининг ғоят катта кўламларида сезилиб турибди.

«Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм — коммунизм қуриш учун курашда улуғ куч» деган темага бағишлаб, 10 апрелда Тошкентда бошланган республикалараро семинар-кенгаш мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошларча ҳамкорликнинг янги ёрқин ифодасидир. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти правлениеси, СССР Фанлар академиясининг Тарих институти, Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон жамиятларининг правленилари томонидан чақирилган бу семинар-кенгашда Москванинг ва Ўрта Осиёдаги ҳамма республикаларнинг таниқли олимлари, Украина ва Қозоғистондан келган меҳмонлар, Ўзбекистоннинг партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари қатнашмоқда.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб очди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми номидан семинар ташаббускорларини ва қатнашчиларини қизғин табриклади. уларга ўзларининг фахрий ва олижаноб ишларида катта муваффақиятлар тилади.

Бутун ер юзидаги миллионмиллион меҳнат аҳли, — дейди Ш. Р. Рашидов, — Инсон, тенглик, дўстлик, тинчлик, бахт сўзлари мағрурона янграйдиган қудратли социалистик Ватанимизга муҳаббат билан қарамоқда. Ҳамма кишига билим олиш, ўз қобилиятлари ва истеъдодларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун ёруғ йўл очиб берилган, эркин ижодий меҳнат шарафли ва ҳурматли иш бўлиб қолган, ҳамма миллатлар ва халқлар ягона қардошлик оиласида яшаётган, халқнинг турмуш йил сайин тобора фаровон ва гўзал бўлаётган, коммунистик келажак белгилари ҳозирдаёқ равшан кўриниб турган бизнинг мамлакатимизни бутун планетамиздаги оддий кишилар энг яхши орзулари ва умидларининг ифодаси деб биладилар.

Буларнинг ҳаммаси Ватанимиздаги барча халқларнинг онгли тарихий ижодкорликка сафарбар қилган партиямизнинг ниҳоятда зўр ишининг натижасидир. Совет давлати куч-қудрати ва мустаҳкамлигининг асоси бўлган ленинча миллий сиёсат, халқлар ўртасида қардошларча дўстлик сиёсати тантанасининг натижасидир.

Буларнинг ҳаммаси — ўз гуманизми, сахий қалби ва равшан ақли билан ҳамманинг муҳаббати ва чуқур ҳурматини қозонган улуғ рус халқининг ўтмишда қолоқ бўлган халқларга доимий, самимий қардошлик ёрдами натижасидир. Рус халқи, рус ишчилар синфи, рус коммунистлари мамлакатимиздаги ҳамма халқларга ўз миллий давлатларини қуришда, иқтисодий ва маданий жиҳатдан баравар тараққий этишда, бир сафда туриб, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасига эришишда ва ҳозирги кунда ҳамманинг биргаликда коммунизм сари дадил қадам ташлаб боришига ёрдам бердилар.

Ш. Р. Рашидов ўз нутқини тамомлар экан, залдагиларнинг қарсаклари остида бундай деди:

— Бизнинг келажагимиз ёруғ ва гўзалдир, коммунизм тантанасига ишончимиз қатъийдир. Гениал марксизм-ленинизм таълимоти йўлимизни ёритиб турибди. Коммунистик партия, унинг содиқ ленинчи, халқ бахт-саодати учун атоқли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ доно Марказий Комитети бизни улуғ мақсад сари бошлаб бормоқда.

Семинарнинг биринчи машғулотида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева «Меҳнаткашларни халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш» темасида лекция ўқиди.

Шундан кейин «Пролетар интернационализми идеясининг тарихий ривожланиши» темасида СССР Фанлар академияси Тарих институтининг сектор мудири, тарих фанлари доктори профессор Б. Ф. Поршневнинг ҳамда «Коммунистик партиялар пролетар интернационализми принципларининг тантанаси учун курашда» деган темада шу институтнинг старший илмий ходими, тарих фанлари кандидати М. И. Михайловнинг лекциялари тингланди.

Семинар ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов қатнашмоқда.

Семинар олти кун давом этади. Унда Москва, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг бир қанча олимлари ва раҳбар совет ходимлари доклад қиладилар. Семинарда халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм идеяларини пропаганда қилиш соҳасида кенг тажриба алмашилади. (ЎзТАГ).

ЧАҚИРИҚДАН РУҲЛАНИБ

КПСС Марказий Комитети ўз Чақириқларида деҳқончилик маданиятини оширишга, фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни янада дадилроқ жорий қилишга ундамоқда. Чақириқлар колхозимиз аъзоларининг ғайратига-ғайрат қўшди.

Бу йил колхозимизда 2500 гектар ерда пахта етиштирилади. Шу кунларда ҳамма ишчи кучлари ва техника чигит экишга сафарбар қилинган. Механизаторларимиз, экипаж аъзолари чигитни тез ва сифатли экиш учун кучларини аямай ишламоқдалар. Натижада 1200 гектарга яқин майдонга чигит ташланди.

Колхозимизнинг Бўри Оллонов, Эгам Абдуллаев бошлиқ бригадаларида ҳамма майдонларга чигит экиб бўлинди. Бизнинг бригадамиз ҳам рапорт бериш олдида турибди.

Қолган майдонларга ҳам чигитни сифатли экиб оламиз. Мўл пахта хосили етиштириш учун комплекс механизацияни тўла жорий этамиз, илғорлар тажрибасини кенг қўлланамиз.

Марказком чақириқларидан илҳомланган колхозчиларимиз чигитни тез ундириб олиб, қатор ораларида ишлашни бошлаб юбориш тадбирларини кўрмоқдалар.

Р. ТЕМИРОВ,

Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхозининг бригадири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Министрлар Советининг Илмий-техника Давлат комитетини тугатиш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССР Министрлар Советининг Илмий-техника Давлат комитети тугатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил 8 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетини тузиш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети тузилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил 8 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ М. В. Хруничевни СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва СССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Михаил Васильевич **Хруничев** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва СССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг Раиси қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил 8 апрель.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ Жаноб Олийларига

Москва, Кремль

Бизга дўст ва қўшни мамлакат бўлган Совет Иттифоқи территориясидан жўнаб кетаётган пайтимда Сиздан, Жаноб Олийлари, биз Москвада бўлган вақтимизда кўрсатилган меҳмондўстлик ва илтифот учун ўз номимдан, рафиқам ва менга ҳамроҳ бўлган кишилар номидан чуқур, самимий ташаккуримизни қабул қилишингизни сўрайман.

Шахсан Сизга, Жаноб Олийлари, ва дўст қўшнимиз Совет Иттифоқининг улуғ халқига муваффақиятлар ва бахт-саодат тилайман.

МУҲАММАД ДОВУД

75717-ИЛ—18 самолётининг борти.

ЖАҲОН МИЛЛАТЛИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТИМИЗНИНГ КУЧ, ҚУДРАТ ВА РАВНАҚ МАНБАИ БЎЛГАН СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИ ЯШАСИН ВА МУСТАҲКАМЛАНСИН!

(КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил 1 Май Чақириқларидан).

„Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи озод ва тенг ҳуқуқли халқларнинг коммунистик ҳамкорлиги намунасини бутун дунёга намойиш қилмоқда“

(КПСС XXI съезди резолюциясидан).



Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида кеча «Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм — коммунизм қуриш учун курашда буюк куч» деган темада республикалараро семинар очилди. СУРАТДА: семинар қатнашчиларидан бир группаси (чапдан); Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчиси А. КАРИМОВ, Тожикистон ССР, Ленинобод районидаги «Коммунизм йўли» колхози раисининг ўринбосари Р. ОТАЖОНОВА, Туркманистон ССР, Сайёт район халқ маорифи бўлимининг инспектори Д. НАВРЎЗОВ, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг аспиранти М. КОМИЛОВ, Қирғизистон ССР да чиқадиган «Ленинчил жаш» газетасининг бўлим мудири С. УСУПОВ ўртоқлар.
Қ. Розиқов, К. Рашидов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги асосидагина социализм ва коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

37 МИЛЛАТ ВАКИЛИ

Тошкент Политехника институти аудиторияларига, лабораторияларига ва турли фан кабинетларига кирсангиз, рус билан украин, ўзбек билан белорус, қозоқ билан озарбайжон, қирғиз билан ёқут, тожик билан чуваш, осетин билан армани, татар билан эстон, бурят билан кабардин, поляк билан лезгин, черкас билан грекларнинг ёнма-ён ўтириб аҳил, ягона оила фарзандларидай мутолаа қилаётганини кўриб қувонасиз.

Ҳа, бепоён ўлкамизнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида турли миллат вакиллари таълим олмоқда. Биргина Тошкент Политехника институтида 37 миллат вакили ўқияпти. Ўтган ўқув йилида институтни тамомлаб чиққан 1055 ўқувчининг ярмидан кўпи Иттифоқимизнинг турли қардош республикаларидан келган миллат вакиллари эди. Бу ўқув йилида ҳам қардош республикалардан келган студентлардан қарийб 700 киши инженерлик дипломини олади. Бу—совет халқлари ўртасидаги дўстликнинг ажойиб намунаси, ёркин ифодасидир.

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистондаги илмий-текшириш муассасаларининг деярли ҳаммасида жуда кўп тадқиқотлар қардош республика олимлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Бундай ҳамкорлик ажойиб самаралар бермоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув иншоотлари ва гидротехника институтининг ўзи Ўрта Осиёдаги уч республика ва Қозоғистон олимлари билан ҳамкор, ҳамфикр.

Вахш ва Амударё суви Ўзбекистон ҳамда Тожикистон республикаларини электрлаштириш ва деҳқончилик ерларини суғориш учун жуда катта аҳамиятга эга. Сув иншоотлари ва гидротехника институтининг бир группа олимлари тожик олимлари билан бирга «Вахш ва Амударёнинг қишки режими» деган темани ишлаб чиқмоқдалар. Бундан ташқари ўзбек ва тожик олимлари Вахш ва Ҳисор водийларидаги гидротехникага доир муҳим масалаларни ўрганмоқдалар, Хўжабақирган ва Самгар сув иншоотларини янада яхшилаш устида ишламоқдалар.

Ўзбек олимлари Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларидаги олимлар билан бирга республикалараро муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий-тадқиқот ишларини ҳал этмоқдалар. Бунинг учун ўзбек олимлари тез-тез қардош республикалар олимларининг меҳмони бўлиб турибдилар. Ўз навбатида қозоқ, қирғиз, туркман, тожик олимлари ҳам Ўзбекистонда бўлиб турадилар.

Олимлар ҳамкорлиги халқ хўжалигимиз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни ишлаб чиқишда гоят муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

«ЛЕКТОРЛАР КУНИ»

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ—УЛУҒ КУЧ

Яқинда Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият правлениеси ва унинг Тошкент область бўлими Янгийўл район партия комитети билан биргаликда районда «Совет Ўзбекистони — СССР халқлари дўстлиги оиласида» темасида «Лекторлар куни» ўтказди. Республикада биринчи марта ўтказилган бу тадбирга атоқли олимлар жалб этилди. Турли ихтисосдаги олимлар районнинг барча колхозларига бориб колхозчилар орасида маърузалар ўқидилар. Ҳаммаси бўлиб 114 лекция ўқилди.

Қуйида ўқилган лекциялардан айримларининг қисқача тафсилоти ёритилди.

□ □ □

Лектор колхознинг қайноқ ҳаёти ичига кириб келгач, ажойиб ватанпарвар меҳнаткашларнинг иши ва ҳаёти билан таниша бошлади...

Катта бир интернационал оила бўлган Калинин номли колхозда экин кампанияси қизғин бошлаб юборилган. Ватанпарварлар орасида улуғ оғамиз рус халқининг ҳам, қондошимиз қозоқ элининг ҳам, жондошимиз тожик фарзандининг ҳам, меҳнатсевар корейс, татар ва бошқа ўндан ортиқ миллат вакилларини кўриш мумкин.

Катта иноқ оиланинг ана шу азамат конкурсларининг энг олий мақсади жаҳонга довруғи кетган Ўзбекистон «оқ олтин»идан мўл-кўл ҳосил етиштиришга, эл-юртни сабзавот, чорва маҳсулотлари билан керагича таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиши учун курашга қаратилган. Лектор ўз интернационал бурчларини адо этиш йўлида тер тўкиб ишлаётган пахтакорларнинг кўпи билан суҳбатлашиб, колхоз ҳаёти билан танишди.

Кечки пайт. Колхоз клуби одамлар билан лиқ тўлди. Улар ажойиб механизаторлар, сут соғувчилар, миришкор боғбондар, чорвадорлар, зиёлилар ва колхоз активлари. Лектор, тарих фанлари доктори Х. Иногятов «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» темасида маърузалар ўқиди.

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

Прогрессив инсониятнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин бошчилигида башарият тарихида биринчи бор поёнсиз, бойликларга кон бўлган улуғ Ватанимизда Октябрь революцияси ғалаба қозонганидан кейин, Октябрь қуёши бошқа халқлар қатори ўзбекларга ҳам абадий озодлик, фаровон ҳаёт бахш этди. Ленининг партиянинг миллий масала соҳасидаги программасининг моҳияти ифодаланган «Миллатлар ҳуқуқда тенг бўлсинлар; миллатлар ўз тақдирларини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлсинлар; барча миллат ишчилари бирга қўшилсинлар» деган доҳиёна кўрсатмаси тўла амалга ошди. 43 йилдан ортиқроқ вақт ичида чоризм даврида азоб-уқубатда яшаган халқлар эркин ҳаёт қучоғида ижодий меҳнат қилиб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида жаҳоншумул тарихий ғалабаларни қўлга киритдилар.

Фактларга мурожаат қилинса кўпмиллатли қардош республикаларимизнинг порлоқ ғалабалари ойнадек равшан бўлади. Илгари асосан ағрар ўлка бўлган Қозоғистоннинг саноати барқ уриб яшнади. Ҳозир бу ўлка меҳнаткашлари революциядан илгаригидагига қараганда қарийб 45 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Грузия —35 баравар, Озарбайжон — 14 баравар, Қирғизистон — 50 баравар, Арманистон — 55 марта, Тожикистон — 31 марта, Туркманистон — 20 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

Совет республикалари экономикаси ва маданиятини юксалтиришда халқларимизнинг қардошларча ёрдами ва ўзаро ҳамкорлиги гоят катта роль ўйнади. Улуғ рус халқи кўрсатган ёрдамнинг аҳамияти айниқса каттадир. Социалистик қурилишнинг асосий қийинчиликларини ўз бўйнига олган улуғ рус халқи бошқа халқларга ҳамма вақт самимий ва беғараз ёрдам бериб келди, шу сабабли у бу халқларнинг чексиз муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди.

Революциядан илгари Ўрта Осиё, Узоқ Шимол ва Россиянинг бошқа чекка ўлкалар халқлари деярли ёппасига саводсиз эди. «Вестник воспитания» журналининг 1960 йилдаги сонида кўрсатилишича, ўша даврдаги мактаблар қурилиш суръатлари билан ҳисобланганда, Ўрта Осиё аҳолисининг саводсизлигини тугатиш учун камида 4600 йил талаб қилинар экан.

Революциядан илгари ўзбеклар ичида атиги 2-3 процент саводли бўлган бўлса, ҳозир Ўзбекистонда аҳолининг ҳар 10 минг кишиси ҳисобига олий маълумотга эга бўлган 81 киши тўғри келади. Миниг киши ҳисобига студентлар сони бўйича Ўзбекистон АҚШ ва Англиядан олдинда бормоқда. Франция, Германия Федератив Республикаси ва Италиядан эса икки баравардан ортиқ ўзиб кетгандир.

Бизнинг Ўзбекистонимиз социализмнинг Шарқдаги машъали бўлиб қолди. Республикамизнинг юксак индустрлашган ва колхозлашган ўлкага айланишида Ленин партияси, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош республикалар халқлари оғаларча ёрдам бердилар ва бермоқдалар. Интернационализм ғоялари билан суғорилган ўзбек халқи Ватанимиз бошқа халқларининг қардошларча ёрдамига жавобан ўз интернационал бурчини, яъни «оқ олтин» етиштиришдек шарафли вазифасини муваффақиятли адо этиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари, КПСС нинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар ишчини ҳам, колхозчини ҳам, зиёлини ҳам янги зафарлар сари руҳлантирди. Партия ва ҳукуматимиз белгилаётган тадбирлар халқимиз маъмурчилигини юксак кўтаришга, мамлакатимиз куч-қудратини бундан ҳам яшнатишга қаратилган.

Лекциядан ҳамма мамнун бўлди. Кекса деҳқон Умарали ота Ёқубов сўз олиб колхоз тузуми ҳаётига доир қизиқ воқеаларни гапириб берди.— Мен,—деди у,—1929 йилда коллектив хўжалик тузуми учун кураш авж олган даврда янги тузилган колхозга раис бўлганман. То шунга қадар Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун бўлган курашларда, жумладан, Фарғонада босмачиларга қарши курашда иштирок этганман. Бу гапни айтишимдан мақсад ўша вақтдаги қийинчиликларни дадил енгиш учун олиб борган курашимизда бизга рус коммунистлари ва бошқа халқларнинг фарзандлари жуда катта ёрдам берганликларини эслатиб ўтиш.

— Колхоз тузган йилимизда, — сўзида давом этди нуроний чол,— 275 гектар ерга пахта экиб, арзигулик ҳосил ололмаган эдик. Мана ҳозир фақат бизнинг колхозимиз 1200 гектар ерга пахта экяпти. Мен кейинги йиллар ичида 30-40 центнердан кам ҳосил олинганини эслай олмайман. Бу халқимизнинг иноқлиги, бир-бирига йўлдошлигининг шарофати, ўртоқлар! Бу ютуқлар фанинг, техниканинг шарофати! Бу Ленин ғоялари тантанасининг шарофати! Мен ҳозир 74 ёшга кирдим. Колхоз ҳаётидан бир минут бўлса ҳам ажралиб қолгим келмайди. Шунинг учун ҳам бир неча йилдан бери колхозимиз қарияларининг штурмовик бригадасига бошчилик қилиб келяпман. Биз қариялар ғўза парвариши даврида ғўзани ўт босса уни йўқотамиз, қатқалоқ бўлса ёки пахтазорда бирор ғашга тегадиган ҳодиса юз берса ҳамма вақт ўша ерда бўламиз.

ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

Шу куни райондаги Фрунзе номли янги ташкил этилган колхознинг механизаторлари, агрономлари, сут соғувчи ва чорвадорлари, колхоз активлари ўз клубларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор С. Сирожиддинов, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг старший ўқитувчиси О. Тошмуҳамедов ўртоқларнинг маърузаларини суҳбатларини тингладилар.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари математиклари орасида донги таралган талантли олим Сирожиддинов «Математика ва экономика» темасида жуда жонли ва маърузаларини эслай олмайман. Бу халқимизнинг иноқлиги, бир-бирига йўлдошлигининг шарофати, ўртоқлар! Бу ютуқлар фанинг, техниканинг шарофати! Бу Ленин ғоялари тантанасининг шарофати! Мен ҳозир 74 ёшга кирдим. Колхоз ҳаётидан бир минут бўлса ҳам ажралиб қолгим келмайди. Шунинг учун ҳам бир неча йилдан бери колхозимиз қарияларининг штурмовик бригадасига бошчилик қилиб келяпман. Биз қариялар ғўза парвариши даврида ғўзани ўт босса уни йўқотамиз, қатқалоқ бўлса ёки пахтазорда бирор ғашга тегадиган ҳодиса юз берса ҳамма вақт ўша ерда бўламиз.

Лекциядан ҳамма мамнун бўлди. Кекса деҳқон Умарали ота Ёқубов сўз олиб колхоз тузуми ҳаётига доир қизиқ воқеаларни гапириб берди.— Мен,—деди у,—1929 йилда коллектив хўжалик тузуми учун кураш авж олган даврда янги тузилган колхозга раис бўлганман. То шунга қадар Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун бўлган курашларда, жумладан, Фарғонада босмачиларга қарши курашда иштирок этганман. Бу гапни айтишимдан мақсад ўша вақтдаги қийинчиликларни дадил енгиш учун олиб борган курашимизда бизга рус коммунистлари ва бошқа халқларнинг фарзандлари



СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси С. Сирожиддинов Фрунзе номли колхозда лекция ўқимоқда.
И. Глауберзон фотоси.

ДЎСТЛИК БЎСТОНИ

Шу баҳор айёмида Мирзачўлда бўлишнинг ўзига яраша гашти бор. Ўриклар гуллаган, дарахтлар барг ёзган, совет кишисининг шарофатли қадами тушган майдонлар кўм-кўк либосга бурканган. Шу кечаю кундузда Мирзачўлда бўлган киши унинг бағри нақадар кенглигини тағин ҳам яхшироқ ҳис қилади.

Мана, Карл Маркс номли колхоз боғлари ёки «Коммунизм» колхозининг бўстонларини айтмайсизми. Бу боғларнинг Фарғона гулзорларидан, Фарғона боғларидан қаери кам? Фарғонада қандай ноз-неъмат етишадиган бўлса, мана шу бағри кенг сахий боғларда ҳам ўшанақа мева топилади. Мирзачўл мевасининг таъмини татиб кўраман десангиз бу ерларга ёзроқда яна бир келинг.

Мирзачўлни энди Дўстлик бўстони деб атаса бўлади. Чунки асрлардан буён сув-сув, ташнаман, бағрим куймоқда, деб жизғаноқ бўлиб ётган чўлни, шу ерлик соҳибкор боғбонлардан бирининг таъбири билан айтганда, қўл-оёғи кишанланган занжирбанд паҳлавонни асрий уйқусидан уйғотган, гулзор қилган, боғ-бўстонга айлантирган куч ДЎСТЛИКдир.

Мирзачўлда канал қурилишидами, колхозларни, қаерда бўлманг турли миллат вакилларини кўрасиз. Булар руслар, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, корейслар, қисқаси улуғ онладаги барча миллат фарзандларидирлар.

Чўлни гулистон қилиш орзуси ўзбек, тожик ва қозоқ халқининг асрий орзуси эди. Лекин бу орзулар фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина рўёбга чиқа бошлади. Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимияти туғилиши биланоқ Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 минг сўм миқдорида маблағ ажратиш тўғрисидаги тарихий ҳужжатга имзо чекди. Улуғ доҳий сувга ташна ўлкани суғориш ниналигини, суғориш ўлкани қайтадан яшнатиб юборишини яхши билар эди.

Ленин номини дилга жо қилган ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар бир ёқадан бош чиқариб, чўлга ҳужум бошладилар. Бу ҳужум йилдан-йилга кучаймоқда. Бу жангда, бу катта фронтда тер тўкилмоқда. Бу фронт кенгайган сари чўлнинг маҳсулдор ерлари бағрини кенгроқ очиб:

— Бойлигимни ол, сен мени сероб қилдинг, яхшилигингга яхшилик қайтараман, — демоқда.

Қисқа давр мобайнида Мирзачўлда 690 километр автомобиль йўли, 180 километр темир йўл изи, 203 километр водопровод шохобчалари қурилди.

Бундан бор-йўғи 6-7 йил муқаддам Мирзачўлга, бугунги кунда унинг маркази ҳисобланган Янгиерга келган киши саратоннинг жазирасида бир томчи сув тополмай ташна бўлиши мумкин эди. Бугунги янгиерликлар шаҳар қурамиз деб янги келганликларида бензин ҳиди аниқ турган бир пиёла сувни бир неча киши бир қултумдан бўлишиб ичганликларини ҳали-ҳали эслашади. Бугунги Янгиер навқирон шаҳар, унинг гулбоғлари, кўркам бинолари, маданий-маиший муассасалари бор. Катта шаҳарлардаги меҳнаткашлар қандай қулайликлардан фойдаланишса, бу ерда ҳам худди шундай шароит яратилган.

Кейинги тўрт йил мобайнида чўлда пахта экиладиган 32 минг гектар ер ўзлаштирилди. Бу ерлардан 80 минг тонна ҳосил олинди. Мирзачўлнинг умумий майдони 1 миллион гектардан ортиқроқдир. Яқин 10 йил мобайнида 1 миллион 100 минг гектар қуриқ ер ўзлаштирилиб, сувга сероб бўлади. Мирзачўл ҳар йили 1 миллион 600 минг тонна пахта берадиган чинакам «оқ олтин» ўлкасига, Фарғонага ўхшаш бахт водийсига айланади.

Мирзачўлни бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бахтиёр халқлар, улуғ рус бош бўлган тенглар оиласидаги ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, бутун совет халқи гулистон қилади. Бу халқлар бир ёқадан бош чиқариб ишлайди. Бу халқлар бир-бирларидан ҳеч нарсани аямайдилар. Керак бўлиб қолганда қозоқ халқи ўзбек оғасига Бўстонлиқни туҳфа қилди, ўз навбатида ўзбеклар тожик халқига Мирзачўл бағридан ўзлаштирилган янги бир бўстонни тақдим этдилар. Ҳеч қандай чегара билмайдиган, халқимиз бахтсаодатини кўзлайдиган дўстлик бор бўлган жойдагина бир халқ иккинчи бир халққа шундай туҳфа қилиши, олижаноблик кўрсатиши мумкин.

Улуғ Ленин ижодкори бўлган ҳаётбахш совет дўстлиги бог-бўстонлараро камол топмоқда, бу дўстлик тоғини талқон, чўлни бўстон қилмоқда.

Ҳамид НУРИЙ.

БУ МАШИНАЛАР ҚАРДОШЛАРГА

«Ташсельмаш» заводини жаҳонда жуда кўп мамлакат билади. Бу корхона коллективи ер юзида биринчи бўлиб, пахтани нобуд қилмасдан тоза териб берадиган ажойиб машинани ишлаб чиқара бошлади. Ташсельмашчиларнинг шон-шуҳрат топаётганликлари, ўзбек пахтакорининг эмас, қардош эллар—озарбайжон, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, арман ва бошқа элларни хурсанд қилаётганликлари ҳаммага маълум.

Кеча мухбиримиз шу заводнинг машиналар жўнатувчи бўлими бошлиғи Василий Семенович Семенов билан суҳбат қилди.

— Коллективимиз 1961 йилда жами 5000 та «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга қарор қилган. Ҳозир йигув цехидан деярли ҳар соатда битта «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси чиқиб турибди.

ЗАВОДДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ҚАРИБ ЯРМИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПАХТА ЭКУВЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРИГА, ШУНИНГДЕК ЧЕТ ЭЛЛИК ДЎСТЛАРГА ЮБОРИЛМОҚДА. Бу йил биз Озарбайжонлик пахтакорларга 500 та «ХВС-1,2» жўнатамиз. Туркман дўстлар 420, мусобақадош Тожикистон 300, қирғиз пахтакорлари 170, Мирзачўл бағрида пахта етиштираётган қозоқ дўстлар 300 та пахта териш машинаси оладилар. Арманистонлик дўстлар ҳам бизда ишлаб чиқарилаётган машинадан баҳраманд бўладилар.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ, ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!



Гурлан районидаги Сталин номли колхоз далаларида баҳорги ишлар қизғин бормоқда. Механизаторлар экиш ишларини қисқа муддатда тугаллаш учун курашаётирлар. Колхоз бу йил янада йириклашди. Пахта майдонлари кенгайди. Энди 1350 гектар ерда «оқ олтин» етиштирилади. Колхоз пахтакорлари ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга, шоликорлар эса 1200 гектар ернинг ҳар гектаридан 80 центнердан шоли олишга аҳд қилдилар.

Суратда: колхоз раиси Нам Хин Дюнь (чапда) ҳар гектар ердан 83 центнердан шоли олиш учун кураш бошлаган Пак Дионис бошлиқ бригадада дала ишларининг боришн билан танишмоқда.

Р. ШАМСУДДИНОВ фотоси

(ЎзТАГ фотохроникаси)

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

НУРМОМА

Раис «учинчи звенога ким бошлиқ бўлишини яхши ўйлаб кўринг», деди. Бу кекса тажрибали бригадир Мўмин ака Шодиёровни анча ўйлантириб қўйди. У, далалардан келгунча шу ҳақда анча бош қотирди.

— Менимча, Нурмомадан яхши звено бошлиғи чиқади, — деди Мўмин ака правление мажлисида.

Раис тағин сўради:

— Яхшилаб ўйладингизми, ғўзани суғориш, тракторчининг ишини қабул қилиш, пахта териш ва қуритиш вақтида сизга кўз-қулоқ бўла оладими ё «Мўмин акам билади» деб турадими?

— Ҳамма томонини ўйладим. Нурмома ўзи ёш бўлгани билан сергайрат, меҳнатсевар. Кўзимизнинг олдида ўсди, ўқиди, сигир соғувчи бўлиб ишлади, ғўзани севади. Пишиқ қиз.

Бу воқеа 1958 йилнинг қишида, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг мажлисида бўлган эди.

Комсомол аъзоси Нурмома ёшларга хос гайрат билан ишга киришди. Звенонинг майда-майда бўлаклардан иборат 21 гектар ери яхлитлаштирилди. Чигит ернинг об-тобида экилди. Звено шу йили гектаридан 48 центнердан «оқ олтин» топширди.

Биз Нурмома Эркаева бошлиқ звенонинг бир йиллик ишига бир озгина тўхталиб, сергайрат жувоннинг ойдин кечаларда ғўза суғорғани. «Кўчатни олдириб юборибсан, культивацияни саёз қилибсан» деб универсалчи йигит Умарали Рўзиев билан қилган «можаро»лари, звено аъзоларидан Қундуз Бутунова, Хурсандой Пардаева ва Ободой Сатторованинг кунига 0.30-0,40 гектардан ердаги ғўзани ўтоқ қилганликлари ҳақида гапириб ўтирмадик.

Нурмома ўша йили 17 тонна пахта терди. Ҳамқишлоқлари, бутун район меҳнаткашлари меҳнатда ном чиқараётган Нурмома Эркаевани Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайладилар.

Халқ ишончи ўртоқ Эркаевани меҳнатда янги зафарларга руҳлантирди. 1959 йили у бошлиқ бўлган звено пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 50 центнерга кўтарди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Турсуной Охунова ташаббусига берган баҳоси Нурмомани ҳам янгича ишлашга илҳомлантирди. У қақратон қиш демай РТС га қатнади: механик-ҳайдовчилик касбини ўрганди. Эрта баҳорда звено аъзолари билан маслаҳатлашиб, экин майдонини қўриқ ер ҳисобига 14 гектар кенгайтирди. Комплекс механизацияга кўчилгани учун звенода 5 киши қолди.

«Яхши ният — ярим давлат» деганларидек звенода иш юришиб, янгиликни намойиш қилиш учун, кетмонни шудгордан батамом сиқиб чиқариш учун кураш қизғин тус олди. Беш киши бир ёқадан бош чиқариб ишлади. Далага 400 тоннага яқин гўнг чиқарилди. Чигит 3 кунда экилди. Ёмғирдан кейинги қатқалоқ шихмолада юмшатилиб, ҳар гектар ерда мўлжалдаги кўчат қолдирилди. Мутахассисларнинг маслаҳатига биноан, об-ҳаво шароити ҳисобга олиниб, азотли ўғитдан эҳтиётлик билан фойдаланилди. Ғўзани суғориш, ўғитлаш ўсимликнинг талаби, ривожланишига қараб ўтказилди, ҳосил баракали бўлди.

Нурмоманинг ўзи 21 гектарли яхлит картадаги пахта ҳосилини асосан машинада терди. «СХМ-48 М» штурвалига биринчи марта ўтирганига қарамай ўртоқ Эркаева 95 тонна пахта териб, 7 чевар теримчининг ишини бажарди.

Галвир сувдан кўтарилганда, ўртоқ Эркаева бошлиқ звенонинг ишига ҳамма қойил қолди. Звенонинг ҳар бир аъзоси 371 центнердан пахта етиштирди. 1 центнер пахтанинг таннархи эски пулда юз сўмга ҳам етмади. Мўмин ака Шодиёров бошлиқ бригадада 81 гектар ернинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил етиштирилишида звено аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.

Лекин, бултур колхозда пахта плани тўқсон процентда қолиб кетди. Қудратли техникага суяниб, прогрессив усулда ишлаган звено колхоздагина эмас, бутун Чироқчи районида энг юқори ҳосил олди.

Ленин орденли Нурмома бошлиқ звено аъзоларининг бу йилги мақсади — КПСС XXII съезди шарафига гектаридан 60 центнердан пахта ҳосили етиштириш, 1 центнер пахтанинг таннархини янги пулда 8-9 сўмга туширб, ҳамма ҳосилни асосан машинада териб олишдан иборат. Нурмоманинг ўзи эса 250 тонна пахта теришга сўз берган.

Аъзоатлар ўз сўзларини баҳорнинг ҳозирги кунларида амалий иш билан мустаҳкамлакдалар.

Звено аъзолари чигитни барвақт экиб бўлди.

Жонбек МАДУМАРОВ,
Назар ХУДОЕРОВ.

Колхозчилар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик маданиятини оширингиз! Фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ҳамма колхозлар ва совхозларда янада дадилроқ жорий қилингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил 1 Май Чақириқларидан).

АНИҚ КВАДРАТЛАР

НУКУС, 10 апрель. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон кўклам либосига бурканган. Автоном республиканинг деярли ҳамма колхоз ва совхозлари дала ишларини қизғин юбордилар.

Тўрткўл райони хўжаликлари олдинда бормоқда. Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг Шарифбой Давлатов бошлиқ бригадаси етти йиллигининг учинчи йилида 185 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Саъдулла Нуруллаев биринчи бўлиб экиш агрегатини далага чиқарди. Экипаж аъзолари пухта ва яхши сифат билан ишлаётирлар. Ҳозиргача 20 гектар ерда аниқ квадратларга асос солинди.

Беруний районидаги Сталин номли колхоздан Толи Жумабоев ва Шариф Раманов, Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Сеитмурод Хўжаев ва Матен Кароматдинов бошлиқ бригадалар ҳам чигит экишни бошлаб юбордилар.

ИНКУБАТОРИЯ ИШ БОШЛАДИ

Холдевонбеқ районидаги Сталин номли колхоз паллачилари бу йил 430 қути ипак қуртини парвариш қилиб, ҳар қутисидан 60 килограммдан пилла топшириш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхозда 5 та паллачилик бригадаси ва 220 та звено тузилди. 5500 квадрат метрдан ортиқ сўкичак тайёрлаб қўйилди. 330 уйга янгидан печка ўрнатилди, етарли миқдорда ёқилғи жамғарилди.

Олдиндан тахт қилиб қўйилган 5 та инкубаторияга қурт уруғи тўкилди. Инкубатория ходимлари қуртни ўз вақтида жонлантириш учун астойдил ишламоқдалар.

Э. ДЕҲҚОНОВ.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

ПОП, (Фарғона области), 10 апрель. (ЎзТАГ). Поп районидаги Ленин номли колхозда Тожибой Қобилов бошлиқ бригаданинг экиш эрта муддатларда ўтказилган участкаларида чигит униб чиқиб, текис яшил квадратлар пайдо бўлди. Универсалчи Омон Ҳасанов қатор ораларини узунасига ишлашга киришди. Бригада юз гектарлик участканинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилди.

Мамлакатнинг донгдор механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меликўзи Умрзоқов бригадасининг айрим участкаларида ҳам чигит кўкариб чиқди.

ЗУҲРАХОНЛАР АҲДИ

Бир-бирига туташ сигирхона, силосхона ва озуқа омборлари. Деворларда диаграмма, шиорлар, мажбуриятлар ёзилган плакат, витриналар. **«Ҳар 100 гектар ер ҳисобига 1000 центнердан сут етиштирамиз».**

Биз сигирхонага кириб борганимизда, енгларини шимарган оқ халатли қиз-жувонлар сигирлар атрофида парвона эди.

Ҳақиқатан ҳам сут етиштиришда фақат Тошкент областигагина эмас, балки республикамизга машҳур бўлган Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз чорвадорларининг бу йилги аҳдлари катта.

Колхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларига жавобан, бу йил ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олдилар. Улар бу йил 216 соғин сигирнинг ҳар биридан 4500 килограммдан сут соғиб олиш ёки жами 1 миллион 350 минг килограмм сут етиштиришга бел боғлаганлар.

Чорвадорларнинг дастлабки ютуқлари чакки эмас. Бу йил ҳар бир сигирдан камида 7 тоннадан сут соғиб олиш учун курашаётган моҳир сут соғувчи Зуҳра Комилова уч ойда ҳар бир бош сигирдан 1652 килограммдан сут соғиб олди.

— Мен, — дейди Зуҳра Комилова, — ҳар бир сигирнинг феълини яхши биламан. Шунга қараб муомила қиламан. Ҳарқайси сигирнинг озиқланиши ва ем-хашагининг қайси турини қайвақт кўпроқ ёқтиришини биламан. Махсус тайёрланган ем билан боқишга алоҳида эътибор бераман. Ўтган йили барда кечқурун бир марта ичириларди... Бу йил эса правленидан талаб қилиб, бардани икки мартаба беришга кўчдим. Сигирнинг рационидаги барда бутургига қараганда 25 килограмм, силос 11 килограмм, кунжара эса 1,3 килограмм кўпайтирилди.

Зуҳранинг дугонаси Муяссархон Қосимова ҳам ундан қолишмайди. У, бу йил ўз қарамоғидаги 17 бош сигирнинг ҳар биридан 6500 килограммдан сут соғиб олишни мақсад қилиб қўйган.

— Мен, — дейди Қосимова, — қишлоғимдаги мактабни тамомлаганимдан кейин ўз жонажон колхозимда қолиб, сут-товар фермасида ишлашга қарор қилдим. Дастлаб менга 10 сигир биркитишди, Дастлабки қийинчиликлар мени чўчитмади. 1961 йилнинг уч ойи мобайнида ҳар бир сигирдан 1457 килограммдан сут соғиб олдим. Мен билан мусобақалашиб ишлаётган дугонам Зуҳра Зокированинг ҳам ютуғи чакки эмас. Биз баҳор байрами — 1 Майгача сут соғиб олишни тағин кўпайтирамиз.

С. САЙФИДДИНОВ,
Ҳ. ИКРОМОВ.

Сўқимга боқиш туфайли

Чорвачиликни тез ривожлантиришга аҳд қилган Охунбобоев районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзолари 1 Май байрамини муносиб кутиб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхоз етти йилликнинг учинчи йилида давлатга 84 тонна гўшт топшириш мажбуриятини олган. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун молларни сўқимга ва бўрдоқига боқиш намунали ташкил қилинди. Натижада қисқа вақт ичида давлатга 500 центнер гўшт сотилди.

Колхоз чорвадорлари 1 Май байрамига қадар йиллик мажбуриятни бажаришга аҳд қилдилар. Шу мақсадда бўрдоқи пунктида 35 та қорамол сўқимга боқилмоқда, 70 та қўй ва 40 та чўчқа боқувга қўйилган.

С. ИСҲОҚОВ.

ОЛИМЛАР—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

□ □

Атрофи дарахтлар билан ўралган уйларда чироқлар ярим кечагача ўчмайди. Ҳамиша гавжум ва серқатнов бўлган бу жойда оддий ғаллакорлардан тортиб новатор — селекционерлар, юқори ҳосил усталари, механизаторлар, иқтисодчилар, атоқли фан арбобларини учратишингиз мумкин. Бу ерда далмикор деҳқончилик илмий-текшириш институти жойлашган.

Институт ходимлари ўз илмий фаолиятларида ғаллакор деҳқонлар ва механизаторлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, деҳқончилик маданиятини ошириш, айниқса баҳорикорлик агротехникасини такомиллаштириш юзасидан муҳим илмий ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Институт селекционерлари сўнгги вақтларда дон экинларининг 17 та янги тезпишар, серҳосил навини яратдилар.

«Қизил Шарқ» номли буғдой нави—институтда ишлаб чиқаришга йўлланма олган навлардан бири. Бу нав буғдой Самарқанд областидаги баҳорикор ерларнинг асосий қисмида экилмоқда. Зомин районидаги «Ударник» совхози бултур шу нав уруғ экилган 14.000 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 16.5 центнердан ҳосил кўтарди. 1-«Ғаллаорол», «Улус», Тимирязев номли ва бошқа совхозлар ҳам мўл ҳосил олдилар.

Институт илмий ходимлари макарон, вермишель каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун яхши ун берадиган янги буғдой навини яратдилар. Янги навлардан ҳозир 11 хили уруғлик синаш давлат комиссияси томонидан амалий тажрибадан ўтказилмоқда.

Илмий ходимлар айниқса донни август ойида тор қаторлаб ва икки томонлама экиш, шудгорнинг намини қочирмай туриб марза олиш юзасидан прогрессив усулларни кенг жорий этишда катта ишлар қилмоқдалар. Институтнинг тажриба далаларида ва оталикдаги хўжаликларда август навлари экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 150-180 пуд ва ундан ҳам зиёдроқ ҳосил олинди.

Институт илмий ходими ўртоқ А. И. Ковалёв кунгабоқарнинг янги «Ботқр» навини яратди. Бу нав уруғ экилган далмик ердан бултур гектарига 250 центнергача поя ва 20-25 центнердан дон олинди. Янги нав кунгабоқар поясидан кўплаб силос бостириш мумкин.

Бундан бир неча йил илгари беда уруғини фақат суғориладиган ерларда етиштириш мумкин деб даъво қилар эдилар. Институт илмий ходимлари бунинг тамомила нотўғри эканлигини амалий ишда исботладилар. Улар деҳқонлар билан ҳамкорлик қилиб, тоғли ерлар ва тоғ этакларида уруғлик учун беда экдилар ва суғориладиган ерлардан олинадиган миқдорда сифатли беда уруғи олдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг етти йилликнинг охиригача республикада дон етиштиришни 23 миллион пудга етказиш юзасидан чиқарган қарори институт коллективини илмий-тадқиқот ишларининг янги равнақига руҳлантиради.

Бу йилги илмий ишлар планига маккажўхори ва оқжўхорини пахта-беда алмашлаб экишга киритилган майдонларга тўғри жойлаштириш, лалми полиз экинлари майдонини кенгайтириш, шунингдек, мош, нўхат, ловия каби экинларнинг агротехникасини яхшилаш, бу экинлардан йилига икки марта ҳосил олишни жорий этиш каби муҳим масалалар киритилган.

Ю. ЮНУСОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ҲАР ЮЗ СОВЛИҚДАН 145 ҚЎЗИ

Олтмиш Эгамбердиев бош чўпонлик қилаётган отарда 750 бош совлиқ бор. Чўпон ҳар юз совлиқдан 130 тадан қўзи олишга аҳд қилган эди. Ҳозир қўзилатиш қизғин бормоқда. Ўртоқ Эгамбердиев совлиқларни қўзилатишда Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхози чўпонлари орасида илғорликни эгалламоқда. У ҳар юз совлиқдан 145 тадан соғлом қўзи олишга муваффақ бўлмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жуман Қўлязов, Соли Қўшоқбоев ва Қосим Тоғаев ўртоқлар бошлиқ отарларда ҳам ҳар юз совлиқдан 135-140 тадан қўзи олинмоқда.

Қўйларни қўзилатишда Йўлдош Эгамбердиев, Бозор Додилов ўртоқлар каби чўпон-чўлиқлар намунали хизмат қилмоқдалар.

Б. АБДУҚАРИМОВ.



«ЎЗБЕКУГОЛЬ» комбинати кўмир разрезининг шахтёрлари партиямиз XXII съездини катта меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шахтёрлар биринчи кварталда пландан ташқари бир неча эшелон кўмир бердилар. СУРАТДА: комбинатнинг кўмир разрезида.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ВА ИХТИРОЧИЛАР

ЛЕНИНСК, 10 апрель. (ЎзТАГ). Кислород заводи ишчиларининг ҳар иккитасидан биттаси рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатининг актив қатнашчисидир. Етти йиллик бошидан бери бу корхонада техника янгиликларини ва такомиллаштириш таклифларини жорий қилиш туфайли чорак миллион сўмга яқин маблағ тежалди.

Заводнинг энг яхши рационализаторларидан аппаратчи С. Манахов, слесарлар В. Захаренко ва Н. Ермаков катта ижодий муваффақиятларга эришиб, кислород компрессорини ремонт қилиш вақтида фибр манжеталари ўрнатиш учун оригинал мосламалар яратдилар, вентилларнинг ишдан чиқишининг олдини оладиган технологияни такомиллаштирдилар.

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ БЎЙЛАБ

ЎРТА ОСИЁ ПАХТАКОРЛАРИ, МОЛДАВИЯ СОҲИБКОРЛАРИ, УКРАИНА ВА БЕЛОРУССИЯ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҚЎКЛАМНИ КУТИБ ОЛДИЛАР. *Кўкламнинг илиқ ҳавоси қоратупроқли марказий областлардаги ерларнинг қорларини эритиб юборди ва Волга бўйларидаги даштларга тез ёйилмоқда.*

Граждан авиациясининг учувчилари ҳамма ерда кўклам ишларига биринчи бўлиб киришмоқдалар. Ерлар ҳали қуримаган ва тракторлар далага чиқолмаган бўлса ҳам, деҳқонларга ҳаводан ёрдам берувчилар экин экиладиган ерлар тепасида иш бошлаб юбордилар. Улар Тамбов, Калуга, Брянск ва бошқа кўп областларнинг деҳқонларига кузги экинларни тезроқ озиқлантиришда ёрдам бермоқдалар.

КЎКЛАМНИНГ ҲАР БИР СОАТИ ҒАНИМАТ. ШУ САБАБЛИ АВИАТОРЛАРНИНГ ЕРДАМИ АЙНИҚСА ҚИММАТЛИДИР. *Самолёт билан бир смена ичида бажариладиган ишни трактор агрегати билан ҳатто бир ҳафта мобайнида бажариб бўлмайди.*

Латвияда кўп йиллик ўтзоларни озиқлантиришда самолётлардан фойдаланилиши ана шу ишни анча тезлаштириш имконини берди. Бу ерда бир неча кун ичида 80 минг гектарга яқин майдонга суперфосфат ва калий ўғитлари солинди.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Маккажўхори уруғини саралаб экинг

Республикамизнинг илғор колхоз ва совхозлари баҳорги об-ҳавонинг қулай келишидан фойдаланиб, маккажўхори ва оқжўхори экишни кучайтириб юбордилар. Пешқадам хўжаликлар бу экинларни экишни бирин-кетин тугаллаб қолмоқдалар. Лекин кўпгина жойларда маккажўхори ва оқжўхори экиш пайсалга солинмоқда. Баъзи хўжаликларда экишнинг сифати бузилмоқда. Бундай ҳоллар ерни ва уруғликни экишга тайёрлашда рўй бермоқда. Айрим колхоз ва совхозларда дориланмаган, сараланмаган уруғлар экилаётир. Бу билан мўл ҳосилга путур етказилмоқда.

Илғорлар тажрибаси маккажўхори ва оқ жўхоридан мўл ҳосил етиштиришда уларнинг уруғлигини экишга тўғри тайёрлаш энг муҳим агротехника тадбирларидан бири эканлигини кўрсатди. Экишга тўғри тайёрланган донниг уруғлик сифати ортади, юқумли касалликлардан тозаланади. Натижада уруғлар тез ва текис униб чиқади. Ҳар гектар ерда ўсимлик нормал қалинликда бўлади. бу эса мўл ҳосил олиш имкониятини беради.

Экиш давригача маккажўхори уруғлари сўтада. оқжўхори уруғлари эса рўвакларда (бошоқларда) сақланиши керак. Сақлаш даврида уларнинг намлиги 14-15 процентдан ошмаслиги ва шу давр ичида 1-2 марта уруғнинг униб чиқиш даражаси лабораторияда текширилиб турилиши лозим. Сўтанинг ўрта қисмидаги донлар экиш учун ишлатилиши зарур. Сўтанинг остки ва устки қисмидаги донлар майдалиги сабабли уларнинг униб чиқиш даражаси паст бўлади. Бундай уруғлар квадратуялаб экиш сеялкасида бир хил миқдорда тушмайди. Шунинг учун янчилган дон тозаланади ва йириклари махсус машиналарда хилларга бўлади. Янгийўл районидаги «Партия XIX съезди» колхозида оқжўхорининг «Ўзбекистон гиганти» навли уруғлари 9 кун давомида оптобда қиздириб экилиб, гектаридан 748,8 центнердан кўкпоя ва 55,4 центнердан дон олинган. Оптобда қиздирилмай экилган уруғлар гектаридан 692 центнердан кўкпоя ва 39,3 центнердан дон ҳосили берган.

Экиш даврида ёгингарчилик туфайли уруғни оптобда қиздириш имконияти бўлмаган тақдирда уни бино ичида 25-30 даража иссиқликда қуритиш ҳам мумкин. Бу усулда қуритилганда уруғлик 5-7 сантиметр қалинликда ёйиб қўйилади ва ҳар 2-3 соатда агдариб турилади.

Ўсимликни ҳар хил касалликлардан сақлаш учун уруғни дорилаб экиш талаб қилинади. Уруғликни икки хил усул—ҳўл ва қуруқ ҳолича дорилаш мумкин. Ҳўл ҳолича дорилашда формалин эритмаси ишлатилади. Оқжўхорининг қобиғли уруғлари бу усулда дориланганда яхши натижа беради. Чунки, формалин эритмаси фақат уруғнинг устки қисмидаги касаллик қолдиқларинигина эмас, балки уруғ қобиғининг остки қисмидаги касаллик аломатларини ҳам йўқотади.

Қуруқ усулда дорилашда уруғлик кукун дорилар—граназон ва гексахлоран билан қориштириб олинади. Уруғлик қуруқ ҳолда махсус машиналарда ёки айланиб турадиган бочкаларда дориланади. Бундай усулда дорилашда дори уруғ билан яхши аралашиши керак. Граназон дорини кучли таъсир этадиган заҳарли модда бўлгани сабабли одам ва ҳайвон учун хавфлидир. Шунга кўра уруғни дорилашда заҳарланиб қолмаслик учун бу тўғрида ёзилган қўлланмага қаттиқ амал қилиш лозим.

Маккажўхори ва оқжўхори қанча эрта экилса, шунча фойдалидир. Тупроқда нам анча кам бўлган бу йилги шароитда бу экинларни барвақт ва уруғларини сараlаб ҳамда дорилаб экиш айниқса зарур. Маккажўхори ва оқжўхоридан мўл ҳосил оламан, силосни кўп бостираман, бир майдондан бир йилда икки марта ҳосил олинишини таъминлайман, деган деҳқон ана шундай қилади.

З. УМАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Совет—Яман ҳамкорлиги

АҲМАДИ, 8 апрель. ТАСС махсус мухбири А. Ступак хабар беради:

Кеча кечқурун Аҳмади портида тўрғон «Латвия» теплохода бортида «Аҳмади денгиз порти ва Ходейда шаҳри районидаги нефтебаза қурилишининг тугалланганлиги тўғрисида якунловчи протокол» тантанали вазиятда имзоланди. Якунловчи протоколни ССР Иттифоқи ҳукуматининг ваколати билан СССР Денгиз флоти министри В. Г. Бакаев, Яман мутаввакил королligи ҳукуматининг ваколати билан валиаҳд Сайфулислом Муҳаммад Албадр имзоладилар.

Протоколда айтиладики, Совет Иттифоқи билан Яман королligи ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги 1956 йил 11 июль битимига мувофиқ, 1958 йил октябридан тортиб 1961 йил март ойигача Совет Иттифоқининг ёрдами билан Аҳмади денгиз порти ва нефтебаза қурилиши амалга оширилди

ҚУБАГА ҚАРШИ ДИВЕРСИЯЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 8 апрель. (ТАСС). «Нью-Йорк жорнэл-Америкэн» газетаси «тамомила яширин ҳизмат»дан олинган маълумотларга асосланиб, Кубанинг электростанциялари, коммуникациялари ва ҳарбий объектларида диверсиячилик ҳаракатлари учун материаллар Кубага парашютларда ташланган, деб хабар беради. Газетанинг ёзишича, кам деганда 350 та мутахассис диверсантлар кейинги 24 соат ичида шошилинч суратда Майамидан (АҚШ) номаълум томонга жўнаб кетган».

Лаосда аҳвол

ПЕКИН, 9 апрель. (ТАСС). Синьҳуа агентлиги Патет-Лао радиосининг хабарига асосланиб қуйидагиларни билдиради: ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао жанговар қисмлари исёнчиларнинг 6 апрелда Муонг-Кассининг гарбий шимолида туширилган ҳаво десантини қуршаб олдилар. Исёнчиларнинг бир ротаси тор-мор қилинди.

Ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао жанговар қисмлари Фа-Хунадан (Муонг-Касси райони) 4 километр нарида исёнчиларнинг ҳужумини қайтардилар ва душманнинг бронемашинасини яксон қилдилар.

«Лаос овози» радиосининг билдиришича, ана шу районда ҳаракат қилган 23 исёнчи, шу жумладан икки рота командири 6 апрелда қурол-яроғлари билан ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао қисмлари томонига ўтган.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ С. П. ПАВЛОВ КУБА ЁШЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

МОСКВА, 8 апрель. (ТАСС). ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов бугун қаҳрамон Куба ёшларининг делегациясини қабул қилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Х. Везиров, М. И. Журавлева, Л. В. Карпинский, СССР ёшлар ташкилотлари комитети раисининг ўринбосари В. Д. Титова ҳам меҳмонларни самимий табрикладилар.

Дўстона суҳбат вақтида делегациянинг мамлакатимизда бўлиш программаси муҳокама қилинди. Куба вакиллари Минскда, Тошкентда, Боқуда, Тбилисида, Сочида, Ялтада, Бутуниттифоқ пионер лагери «Артек»да бўладилар. Куба вакиллари ойнинг охирида Москвага қайтиб келганидан кейин Қизил майдондаги Биринчи май парадида ва намойишида ҳозир бўладилар. Москва билан таништиришни давом эттирадилар. Делегатлар иттифоқчи республикаларда ишчилар, колхозчилар, ҳизматчилар, студентлар, зиёлилар вакиллари, Совет Армияси жангчилари билан учрашадилар.

Делегация бошлиги Куба ёш қўзғолончилари уюшмасининг президенти Жоэль Иглесиас ўзининг ва ўртоқларининг Совет Иттифоқи бўйлаб сафарга зўр хурсандчилик билан жўнаб кетаётганликларини айтди. У уқтириб ўтдики, комсомол ташкилотларининг фаолияти билан, совет йигит ва қизларининг ҳаёти ва турмуши билан танишиш кубаликлар учун жуда фойдали бўлади.

Жоэль Иглесиаснинг айтишича, Куба ёшлари вакиллари Совет Иттифоқидан кейин ёшлар ташкилотларининг таклифига мувофиқ, Чехословакия, Венгрия, Польша, Германия Демократик Республикасига борадилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ХАБАРЛАР

⊙ **СССР ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги келишувга мувофиқ иқтисодий ва илмий техника ҳамкорлиги масалаларини юзасидан Хитой ҳукумат делегацияси Москвага жўнаб кетди.**

⊙ **«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Ленин мукофоти лауреати, Бразилия ёзувчиси Жоржи Амаду Бразилия Фанлар академиясининг аъзоси қилиб сайланди.**

⊙ **Бирлашган Араб Республикаси экономика ва хазина министри Кайсуни АҚШ билан молиявий битим имзолади. Бу битимга мувофиқ, Қўшма Штатлар ҳукумати Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматига 23 миллион 370 минг доллар қарз беради.**


⊙ **Пхеньянда Корея Халқ Демократик Республикаси билан Руминия Халқ Республикаси ўртасида 1961 йил учун маданий алоқалар плани имзоланди.**

⊙ **Будапештда «Иш кунлари ва байрамлар» деган тўртинчи халқаро фотовиставка очилди. Виставкада 36 мамлакат фотосанъаткорларининг 420 та қора, оқ ва рангли фотографиялари қўйилган.**

⊙ **Нагано префектурасидаги (Япония) Отакигава электростанцияси қурилишида ўпирилиш рўй берди. 10 ишчи тупроқ остида қолди. уч киши оғир ярадор бўлди, яна етти ишчининг тақдири ҳозирча маълум эмас. Япониядаги электростанциялар қурилишларида кейинги 4 кун ичида шу билан иккинчи марта фалокат рўй берди.**

⊙ **Шу йилнинг уч ойи ичида Японияда 8 ҳарбий самолёт, кейинги олти йил ичида эса 176 самолёт ҳалокатга учради. (ТАСС).**

ТОШКЕНТ РУҲИ ЕР ЮЗИГА ЁЙИЛМОҚДА



СУРАТДА: семинар қатнашчилари.

В. Баскаков ва Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Бутун дунёда турли тилларда гаплашувчи кишилар халқлар бирдамлиги ва дўстлиги муҳитини гавдалантирган Тошкент руҳи тўғрисида ифтихор билан сўзламоқдалар. Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари конференцияси ўтказилган унутилмас кунларда Ўзбекистон пойтахтида вужудга келган ана шу муҳит ҳозирги кунда Тошкент тўқимачилари саройи залларида янада зўр куч билан гавдланди. 9 апрелда бу ерда Осиё ва Африка, Латин Америкаси мамлакатлари ва Европадаги бир қанча мамлакатлар миллий касаба союз марказлари касаба союз ходимларининг халқаро семинари ўз ишини бошлади.

Бу семинар Жаҳон касаба союзлари федерациясининг ташаббуси ва ЮНЕСКО ҳамда ВЦСПСнинг иштироки билан ўтказилмоқда. Кўп вакиллар қатнашаётган ана шу йиғиндан кузатилган мақсад «Меҳнаткашларни илм ва маданиятдан баҳраманд қилиш» проблемаси юзасидан кенг фикр алмашишдир.

Семинарнинг кўп қатнашчилари узоқ ва қийин йўл босиб келдилар. Бу ерда Куба ва Гана, Ҳиндистон ва Мали, Марокаш ва Мексика касаба союз ташкилотларининг вакиллари учрашдилар. Австрия, Бразилия, Бирма, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Индонезия, Италия, Кипр, Польша, Руминия, Сенегал, Совет Иттифоқи, Судан, Чехословакия, Чили, Франция, Япония вакиллари бу ерга келишиб қўл қисишиб кўришдилар. Бошқа бир қанча мамлакатларнинг вакиллари ҳали йўлдадир.

ТОШКЕНТДА КАСАБА СОЮЗ ҲОДИМЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО СЕМИНАРИ ОЧИЛДИ

□ □ □

Семинарнинг директори, Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуритдинов семинарни очиш каби фахрли ҳуқуққа эга бўлди. Н. С. Нуритдинов республика меҳнаткашлари тўрт қитъадаги касаба союз ҳаракатининг арбобларини ўз пойтахтида, халқаро миқёсдаги катта учрашувлар жойи бўлиб қолган пойтахтда хурсандчилик билан кутиб оладилар, деб айтганида ҳамма унинг бу сўзларини қарсаклар билан маъқуллади.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретари Иброҳим Захария микрофон олдига келади. У айтадики, халқаро ишчилар ҳаракати тараққиётининг ҳозирги босқичида кенг меҳнаткашлар оммасини жаҳон маданиятининг хазиналаридан баҳраманд қилиш учун кураш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу кураш халқларнинг шармандалик мустамлакачилик системасига қарши, империализмга ва капитал монополияларига қарши, тинчлик ҳамда тараққиёт учун олиб бораётган умумий курашининг таркибий қисмидир. Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар юксак маданиятдан ҳали ҳам баҳраманд эмаслар. Семинарнинг вазифаси — меҳнаткашларнинг ҳозирги замон маданияти чўққиларини эгаллаши учун курашда касаба союз активларининг ўз ролларини тушуниб олишларига ёрдам беришдан, уларни бир қанча мамлакатлардаги касаба союз ташкилотларининг тажрибаси билан қуроллантиришдан, меҳнаткашлар илм ва маданиятни эгаллаш учун ҳақиқатан ҳам катта имкониятларга эга бўлган социалистик мамлакатларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан таништиришдан иборат.

ВЦСПС секретари Л. Н. Соловьев чет эллик меҳмонларни ВЦСПС номидан ва ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР Миллий комиссияси номидан самимий табриклади. Чет эллик меҳмонлар унинг Совет Иттифоқида фан ва маданият равнақ топганлиги тўғрисидаги, совет касаба союз ташкилотларининг меҳнаткашларга билим бериш ва уларни маданий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида бажараётган катта ишлари тўғрисидаги гапларини эътибор билан тинглайдилар. Л. Н. Соловьев семинар қатнашчиларининг ишларига муваффақият тилаб айтдики, кўп мамлакатлар касаба союз ходимларининг учрашуви касаба союзларининг жаҳон конгресси арафасида ўтказилаётганлиги муҳимдир. Бу конгресс шу йилнинг декабрь ойида Москвада чақирилади. Конгресс тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун курашда халқаро ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади.

ЮНЕСКО вакили Поль Ленгран семинар қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади. У, маданият ва маорифни ривожлантириш масалалари юзасидан ЮНЕСКО билан Жаҳон касаба союзлари федерацияси ўртасидаги алоқанинг фойдали эканлигини таъкидлади.

Учинчи апрелда семинарда унинг программасига киритилган масалалар юзасидан фикр олишила бошлади. «Инсон ва маданият» деган темада лекция тингланди. РСФСР педагогика фанлари академиясининг вице-президенти профессор А. Н. Леонтьев шу тўғрида лекция ўқиди.

Г. ЛИПШИЦ,
(ЎзТАГ мухбири).

МИХАИЛ БОТВИННИКНИНГ ҒАЛАБАСИ

МОСКВА, 8 апрель. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун реванш-матчининг тўққизинчи ўйини давом эттирилиб, бу ўйин 73-юришда бугун Михаил Ботвинникнинг ғалабаси билан тугади. Матчнинг ҳисоби Ботвинник фойдасига 5,5:3,5 бўлди.

ФУТБОЛ

ЕТТИ ҒАЛАБА, УЧ ДУРАНГ

Газетамизда илгари хабар берилганидек, СССР биринчилиги учун «А» классида футбол мусобақалари бошланди.

«Пахтакор» (Тошкент) билан «Динамо» (Москва) командасидан ташқари «Авангард» (Харьков) — «Локомотив» (Москва) 1:1 ва «Спартак» (Ереван) — «Спартак» (Москва) 0:0 ҳисоби билан ўйинни дуранг қилдилар.

Мамлакат чемпиони москвалик «Торпедо» стартни яхши олди. Чемпион Сталинно шаҳрида маҳаллий «Шахтёр» футболчилари билан учрашиб, улар дарбозасига учта тўп киритди ва ўз дарбозасидан битта ҳам тўп ўтказмади. Тажрибали ва аҳил коллектив ростовлик армиячилар ҳам биринчи ўйинни кўтаринки руҳ ва ҳамжиҳатлик билан ўтказиб, катта ғалабага эришдилар. Улар Вильнюс шаҳрининг «Спартак» футболчиларини ўйинни 5 марта марказдан бошлашга мажбур қилдилар. Спартакчилар бунга қарши биттагина тўп киритиб жавоб қилдилар. Вильнюслик футболчилар 11 метрлик тўпни ҳам дарбозага кирита олмадилар.

Тбилисида маҳаллий «Динамо» билан «Адмиралтеец» (Ленинград) футболчилари ўртасидаги ўйин шиддатли курашлар остида ўтди. Грузинларнинг марказий ҳужумчиси Калоевнинг киритган ягона тўпи ғалабани таъминлади. Киевлик динамочилар ҳам ўз жадвалларига дастлабки 2 очкони ёзиб қўйдилар. Улар Ленинградниинг иккинчи командаси «Зенит»ни 3:0 ҳисоби билан ютдилар. Мавсумнинг биринчи ўйинида кишиневлик футбол ишқибозлари ҳам хурсанд бўлдилар. «Молдова» футболчилари Минск шаҳрининг «Беларусь» командаси билан учрашиб, қўллари баланд (1:0) келди.

«А» классига янги келган Воронеж шаҳрининг «Труд» командаси биринчи учрашувни Боку шаҳрида «Нефтяник» футболчилари билан ўтказди. Катта футбол майдонига янги кириб келган меҳмонлар ўйинни баланд руҳ билан ўтказдилар. Аммо, бокуликлар анча дуруст ўйнаб, ҳисобни 1:0 билан якунладилар.

Москванинг армия футболчилари билан Таллин шаҳрининг «Калев» командаси ўртасидаги ўйин биринчисининг ғалабаси (1:0) билан тугади.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 апрелда

19:00 — **Пионерия** (киножурнал), 19.10 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун), 19.45—**Сўнгги ахборот**, 20.05—**Сохта пайғамбарлар** (ҳужжатли фильми) 20.25 — **Дўстлар мусобақаси** (саноат ходимлари учун Ўзбек тилида), 20.40 — **Ўзбек операларидан ариялар ва дуэтлар**, 21.10 — **«Бўлмаган нарсадан бир талай говго»** номли фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Евгений Онегин** 12/IV да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Тоға-жиянлар**, 12/IV да **Олма гуллаганда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—12/IV да **Паранжи сирлари**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА—13, 15, 16/IV да **Хоразм ашула, мусиқа ва рақс** кечалари. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова** ва солистлар қатнашади. Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Ёзги отпуска вақти — «ВАТАН», «МИР», (кундуз ва кечқурун).

Қизил довул — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (1-зала), **НАВОИЙ** номли (кундуз ва кечқурун), **«СПУТНИК»** (эрталаб соат 10, кундуз 12,2 ва 4 да).

Жерве зо — «ИСКРА», «ДРУЖБА» (2-зала), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Давра — «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»**, (кундуз ва кечқурун).

Водим кишилари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

11, 12, 13, 14, 15, 16 апрелда

катта эстрада концертлари

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Муҳаммаджон Мирзаев, Рушель Мордухаев Охунжон қизиқ Ҳузуржонов**, солистлардан **Исҳоқ Катаев, Камтар Отабоев, Дилбар Ҳўжаева Болқиз Умарова** VI Жаҳон фестивали лауреати **Нина Гайерлар** қатнашади.

Программада: ўзбек, тожик халқ ашула, мусиқа ва рақслари, совет композиторлари асарлари, юмор, сатира ва бошқа номерлар.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар Эстрада театрида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

Ўзбекистон давлат физкультура институти

қуйидаги вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари (фан докторлари ёки кандидатлари): рус тили ва чет тиллар, оғир атлетика, қишлоқ хўжалик, гигиена кафедралари.

Кафедра профессорлари: физиология, анатомия ихтисосларига.

Кафедра доцентлари: фалсафа, кимё, жисмоний тарбия назарияси, педагогика, гимнастика, енгил атлетика, сузиш ихтисосларига.

Старший ўқитувчилар: анатомия, физиология (2 ўрин), жисмоний тарбия назарияси (4), енгил атлетика (7), сузиш (4) ихтисосларига.

Ўқитувчилар: КПСС тарихи, жисмоний тарбия назарияси, енгил атлетика (2 ўрин), сузиш ихтисосларига.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: олий маълумот ҳақидаги дипломнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, илмий унвон ва даража ҳақидаги ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари, илмий асарлар рўйхати, улар ҳақидаги рецензиялар ва фикрлар, кейинги иш жойидан бериладиган характеристиканинг асл нусхаси, кадрларни ҳисобга олиш варақаси (2 та фотокарточка билан), таржимаи ҳол.

Конкурс муддати — 30 апрелгача.

Ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 6-уй.

ВРАЧЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республика дорихоналарида

ГРИППГА ҚАРШИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

пенициллин (таблеткада), **кальцекс, кутизон, қандли кодеин, кофеинли аспирин, липа гули, сульфодимезин, ингафен, норсульфазол, биомицин, содали термопсис, пирамен, пирами нал**

СОТИЛАДИ

Бу дори-дармонларни республика дорихоналаридан талаб қилинг. **Ўзбекистон ССР Дорихоналар Бош бошқармаси.**



Тошкентда пахтачилик бўйича халқаро семинар очилди. СУРАТДА: семинар қатнашчилари (чапдан): Гарбий Покистон қишлоқ хўжалик департаментининг ходими **НАЗИР АҲМАД ЧАУДКРИ**, Гарбий Покистоннинг пахтачилик бўйича мутахассиси **АБДУЛ РАҲМОН МЕНОН** Афғонистон қишлоқ хўжалик министрлигининг вакили **МУҲАММАД РАИМ**, Афғонистон қишлоқ хўжалик министрлигининг ходими **АБДУЛ КУАЁМ**, афғонистонлик агроном, пахтачилик бўйича мутахассис **АЛИ АҲМАД** ва Гарбий покистонлик, пахтачилик бўйича мутахассис **МАХБУБ АЛИ**.

Қ. Розиқов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ КИТОБЛАРИ ГАНАДА

АККРА, 9 апрель. (ТАСС). Кеча Гананинг йирик шаҳрида ва Ашанти областининг маркази Кумасида совет китоблари виставкаси очилди. Бу виставка «Халқаро китоб» Бутуниттифоқ бирлашмаси томонидан ташкил қилинган.

Муниципал кенгашининг раиси Жеймс Овусу виставкани очиш маросимида нутқ сўзлаб, совет халқининг ҳаёти ва эришган муваффақиятлари билан танишиш учун, Гана ва Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун бу виставканинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШИНГИЗ!

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ»

Журналнинг навбатдаги сони шоира Зулфиянинг «Янги замон эгалари» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Мақолада бу йил саноат ва пахтачиликни ривожлантириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам салмоқли ҳисса қўшаётганликлари баён қилинган.

Кейинги саҳифаларда Ҳабиб Нуъмоннинг «Хоразм қизи». Ҳаким Назирнинг «Опажонимиз» очерклари. Г. Бахшиеванинг «Булар Москвада дўстлашишди». Б. Мизрохиннинг «Қўқон атласи». М. Гариповнинг «Қувноқлар боқчасида» фотоочерклари. «Қизларнинг дафтаридан» рубрикаси остида Насиба Холдороваиинг «Турна келди». «Бибисора». Отаевнинг «Тун ҳам». Сайёра Насуллаевнинг «Сув билан суҳбат» шеърлари бор.

Булардан ташқари журналда Ҳамид Нурийнинг «Пилла бўлади» лавҳаси, Шуҳратнинг «Ғамхўрлик». «Ёр кетиб...» шеърлари, «Бизнинг календарь» рубрикаси остида Роза Люксембургнинг туғилганига 90 йил тўлиши муносабати билан Дониё Валиеванинг «Роза Люксембург» сарлавҳали мақоласи. Абдулла Қаххорнинг «Минг бир жон» ҳикояси. Н. Нарзуллаевнинг «Хотин-қизлар университетига, марҳамат!». Муроджон Халилнинг «Ҳамиша саломат бўлинг!» сарлавҳали мақолалари босилган. Шунингдек журналнинг «Педагог маслаҳати». «Врач маслаҳати». «Фойдали маслаҳатлар» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

Журналнинг бу сони ҳам олдингилардек рангли нафис фотосуратлар билан безатилиб чиқарилган.

Контрреволюциянинг кирдикорлари барбод этилмоқда

ГАВАНА, 9 апрель. (ТАСС). Куба революциясининг душманлари бу революцияни бўғиб ташлаш режаларини ишлаб чиқиб, Кубанинг турли районларида контрреволюцион шайкаларнинг қуролли исёнларига катта умид боғламоқдалар. Улар шу мақсадда ўз агентларини Кубага юбордилар. жиноятчи унсурлар орасидан ўз шайкаларига аъзо тўпламоқдалар, кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дориларни самолётларда келтирмоқдалар. Уларнинг мўлжалига қараганда, исёнчиларнинг шайкаларни алдаш ва қўрқитиш йўли билан Куба аҳолисининг бир қисмини ўз томонига ўтказиб олиши керак эди. Аммо, контрреволюционерларнинг режалари Куба халқининг революция ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлидаги қатъиятига дуч келиб, қақшатқич зарбага учрамоқда.

Кейинги вақтларда халқ милицияси ва қўзғолончи армия Эскамбрай тоғларида (Лас-Вильяс вилояти) ва Ориенте вилоятида контрреволюцион гуруҳларни тугатди. Бугун бу ерда Пинар дель Рио вилоятида яна бир шайканинг тугатилганлиги эълон қилинди.

Ўтган якшанба куни Польша элчихонасининг маслаҳатчиси Самарқандга жўнаб кетди, сўнгра у Бухорога борди. (ЎзТАГ).

Польша Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчихонасининг маслаҳатчиси Казимеж Карольчик рафиқаси билан республика бўйлаб танишиш сафарини давом қилдирмоқда.

Тошкентда поляк дипломатини Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг, республика Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбар ходимлари қабул қилдилар. У, Ўзбекистон ССР маданият министри С. М. Муҳамедов, шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Р. Расулев билан суҳбатлашди. Польшадан келган меҳмон тўқимачилик комбинатида ва «Ташгекстилмаш» заводида бўлди. У, қишлоқ хўжалик институтида шу олий ўқув юртида шуғулланаётган чет эллик студентлар ўртасида олиб борилаётган иш тажрибаси билан батафсил қизиқди.

Ўтган якшанба куни Польша элчихонасининг маслаҳатчиси Самарқандга жўнаб кетди, сўнгра у Бухорога борди. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

Тўқимачилар саройида социализм тантанасини мадҳ қилувчи бадиий фотосуратлар халқаро виставкаси очилди. Виставкани Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ташкил этган.

Виставкани уюштириш тарихи диққатга моликдир. ГДРнинг 10 йиллиги арафасида немис фотомастерлари социалистик мамлакатларнинг фотомухбирлари ва фотохаваскорларига мурожаат қилиб, уларни улуғ социалистик лагернинг куч-қудратини акс эттирадиган халқаро фотовиставкада қатнашишга чақирдилар. Совет Иттифоқи, Демократик Вьетнам, Польша, Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Албания, Корея ва Венгриянинг неча минглаб фотомастерлари чақириққа лаббай деб жавоб бердилар ва виставка учун 5000 га яқин фотосурат юбордилар. Виставка жюриси 500 та суратни танлаб олди. Шундай қилиб, социализм мамлакатлари фотомастерларининг ҳамкорлиги туфайли «Социализм ғалаба қозонмоқда» деб ном олган виставка вужудга келди.

«Жаҳон социалистик системаси, — дейилади коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг Баёнотида, — кишилик жамиятини тараққий эттиришда ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда». Виставкадаги фотосуратлар социализмнинг ана шу ғолибона юришини ифодалайди.

Виставкани томоша қилган киши ўзини 12 мамлакат бўйлаб ажойиб саёҳатда юргандек ҳис қилади. Кўз ўнгингизда буюк социалистик қурилишнинг улуғвор манзаралари: Братск иншоотлари, ГДР даги кимё заводи қурилиши, венгер далаларида жавлон ураётган тракторлар, Аньшан домналарининг иш процесси, халқ Польшасида созланаётган катта-катта океан кемалари. Вьетнамнинг бепоён шоли далалари намоён бўлади.

400 дан ортиқ фотосурат — портретлар, пейзажлар, ҳар хил жанрлардаги расмлар, фоторепортажлар турли халқларнинг урф-одатлари ва машғулотларини, тарих ва маданиятларини ҳикоя қилса-да, асарлардаги фазилат ва умумий хусусият шуки, улар озод, ижодий меҳнат қувончини тараннум этади.

Мана, немис фотожурналисти Крюгер Хайнцнинг «Дрездендаги трансформатор заводида» деган сурати. Асар бронза медали олган. У социалистик жамият кишиларига хизмат қилаётган индустриянинг қудратини талқин қилади. Машҳур совет рассоми Бергольцевнинг «Темир бетон». Корея фотографи Хан Си Хваннинг «План яна 150 процент бажарилди», деган фотоларида ва бошқа суратларда ҳам худди шу ғоя илгари сурилган.

Мўғулистонлик фоторассомлар Сухэ ва Жамсаран «Карвон» ва «Дўстлик йўли» деган фотосуратларда социалистик мамлакатлар ҳаётида юз берган жуда катта ўзгаришларни ҳикоя қиладилар.

Социалистик қишлоқ хўжалигини акс эттирган фотосуратлар виставкада алоҳида ўрин тутади. Совет автори Альпертнинг бир замонлар оч ва муҳтож деҳқон юкини енгил қилган қудратли техника, Вьетнам рассомлари Хоанг Лин ва Ле Ван Леларнинг ерни гуллатиб юборган коллектив меҳнат кучи ҳақидаги фотосуратлари мароқли чиққан.

Минделнинг «Қоракўл» ва Чикованининг «Олтин руно» (СССР) Берет Ференцнинг (Венгрия) «Госхоз ғозлари» ва Чжан Цю-сайнинг (Хитой) «Далада» деган суратларида коллектив хўжаликлардаги мўл-кўлчилик яхши тасвирланган.

Фотовиставканинг асосий бўлими социалистик давр кишиларини кўрсатишга бағишланган. Ундаги фотосуратлар озод кишиларни ижодий меҳнатда, ўқишда ва дам олишда акс эттиради. Бу ўринда албаниялик Кальфининг «Ўз юртимиз» суратида ёш геодезист қиз ва ҳиз жонажон мамлакатининг бепоён далаларига магрур боқиб турибди. Бу ерлар уларники, улар бу ернинг чинакам хўжайинлари.

Ўз социалистик мамлакатларининг асл хўжайинлари— ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва халқ интеллигенцияси бўлганини кўрсатган портретлар виставкада кўп.

Венгер фотожурналисти Фабиан Нора, полшалик Семашко Збишколарнинг асарларини, айниқса совет фотомухбири Ю. Королевнинг суратини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Ю. Королев Сталинград трактор заводи ишчиларининг етти йиллик планни муҳокама қилаётганлигини моҳирлик билан тасвир қилган. Бунда совет воқелигининг энг муҳим ҳусусиятларидан бири жуда ҳам усталик билан кўрсатилган.

Будапештлик машҳур фотожурналист аёл Жужа Шандор ўз асарларида қуёшли Ўзбекистон кишиларини тасвирлайди. У олган бир суратда ўзбек хотин-қизларининг бахтли гурмуши акс эттирилган. Сурат олтин медаль билан тақдирланган.

Тинчлик учун кураш, халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми темалари виставкада кенг ёритилган. Тинчлик жарчиси, жаҳонда осойишталикни сақлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлаётган азиз Никита Сергеевичнинг кўп қиррали фаолияти виставкада Тибор Фаркашнинг «Никита Сергеевич халқ Венгриясида», Христиан Рингларнинг «Ўртоқ Хрушчев Германия Демократик Республикасида» деган суратларида ўзининг ҳаққоний ифодасини топа олган.

Виставкага қўйилган экспонатлар ер юзининг тўртдан уч қисмида социализм ва коммунизм тантана қилаётганини ва янги жамият кишиларининг кўркам ҳаётини тўла акс эттирган.

Г. ҒУЛОМОВА,
В. ГОРЕПЕКИН.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 33469, Саноат ва транспорт — 29 005. Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226 Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00817. Нашр. Б. 84.